

## Рамазон ойи кирганда жаннат эшиклари очилади | Сийрат дарслари (287-дарс)



19:00 / 22 июнь 781

441. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Мен ҳилолни кўрдим», деди. **«Лаа илааҳа иллаллоҳ» деб гувоҳлик берасанми?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«Муҳаммад – Аллоҳнинг Расули» деб гувоҳлик берасанми?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«Эй Билал, одамларга эълон қил, эртага рўза тутсинлар»**, дедилар.

*Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Жоруд, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

442. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Одамлар оғиз очган куни Фитр (ҳайити)дир. Одамлар қурбонлик қилган куни Қурбон (ҳайити)дир»**.

*Термизий ривоят қилган.*

443. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Рамазон ойи кирганда жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади ва шайтонлар**

**кишанланади»,** дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

Бошқа ривоятда: **«Рамазон келса, жаннат эшиклари очилади»,** дейилган.

*Бухорий ривоят қилган.*

Бошқа ривоятда: **«Рамазон ойининг аввалги кечаси бўлса, шайтонлар ва ўзбошимча жинлар кишанланади. Дўзахнинг эшиклари ёпилади, улардан бирор эшик очилмайди. Жаннатнинг эшиклари очилади, улардан бирор эшик ёпилмайди. Бир нидо қилувчи: «Эй яхшилик истовчи, келиб қол! Эй ёмонлик истовчи, бас қил!»** деб нидо қилади. **Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинган(банда)лари бўлур. Ҳар кеча шундоқ бўлади»,** дейилган.

*Термизий, Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.*

444. Ҳафса розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким фаждан олдин рўзани қасд қилмаса, унинг рўзаси йўқдир»,** дедилар».

*Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа ва Ибн Хузайма ривоят қилишган.*

445. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни менга: **«Ҳой Оиша, ҳузурингизда бирор нарса борми?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ҳузуримизда ҳеч нарса йўқ», дедик. **«Ундай бўлса, мен рўзадорман»,** дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб кетдилар. Шунда бизга ҳадя берилди ёки бизга зиёратчилар келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтиб келганларида: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳадя қилинди ёки бизга зиёратчилар келди. Сизга бир нарса беркитиб қўйдим», дедим. **«У нима?»** дедилар. «Ҳайс», дедим. **«Олиб кел»,** дедилар. Мен олиб келдим ва ундан едилар. Сўнгра: **«Эрталаб рўза тутган эдим»,** дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

*Ҳайс – арабларнинг хурмо, сариёғ, қурут ёки унни аралаштириб тайёрлайдиган таоми.*

***Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.